

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг

X Курултойи иштирокчиларига

ТАБРИКНОМА

Муҳтарам Курултой делегатлари!

Қадрли меҳнаткашлар, ўз касбининг фидойилари!

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ва шахсан ўз номидан сизларни мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа – Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари ходимлари касаба уюшмасининг навбатдаги X Курултойи билан самимий муборакбод этаман!

Инсон қадри улугланган жамиятда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш ва қонуний қафолатларини мустаҳкамлаш энг устувор вазифалардан саналади. Бу борада касаба уюшмалари институти фуқаролик жамиятининг энг муҳим ва таянч бўғини сифатида беқиёс ўрин тутади.

Партиямиз сизларнинг тимсолингизда меҳнаткаш инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш, давлат ва ходим ўртасида мустаҳкам ижтимоий шерикликни йўлга қўйишда ўзининг ишончли ва стратегик ҳамкорини кўради.

Сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз билан соғлиқни сақлаш ходимлари учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, уларнинг малакасини ошириш, тиббий, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги эзгу ташаббусларни юқори баҳолаймиз.


Бугунги анжуманда қабул қилинадиган қарорлар, белгилаб олинadиган янги марралар келгусида соҳа ходимларининг турмуш фаровонлигини янада яхшилашга, Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишга ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда куч-гайрат, Курултой ишига муваффақиятлар тилайман!

Эҳтиром билан,

Ўзбекистон "Адолат" СДП

Сиёсий Кенгаши раиси



Р.Махмудова

OILA VA XOTIN-QIZLAR
QO'MITASI



FAMILY AND WOMEN
COMMITTEE

OILA VA GENDER
ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI

FAMILY AND GENDER
SCIENTIFIC RESEARCH INSTITUTE

100000, Toshkent shahar, Chilonzor tumani, Chilonzor ko'chasi, 25-uy
e-mail: mvaoiti@exat.uz, mvaoiti@gmail.com; veb-sayt: www.moiti.uz; tel.: 78-150-14-54

“ 4 ” 08 2025-yil

№ 01-09/2760

**O'zbekiston sog'liqni saqlash
xodimlari kasaba uyushmasiga**

T A B R I K N O M A

Hurmatli Qurultoy delegatlari, qadrlı soha fidoyilari!

Sizlarni O'zbekiston sog'liqni saqlash xodimlari kasaba uyushmasining X Qurultoyi bilan Oila va xotin-qizlar qo'mitasi huzuridagi Oila va gender ilmiy-tadqiqot instituti ilmiy jamoasi va o'z nomimdan samimiy muborakbod etaman!

Guvohi bo'lib turibmizki, Yangi O'zbekistonning kasaba uyushmalari soha xodimlari, fuqarolarning mehnat huquqlari va ijtimoiy-iqtisodiy manfaatlarini ta'minlash hamda mustahkamlashga muhim hissa qo'shib kelmoqda.

Oila va gender ilmiy-tadqiqot instituti ilmiy jamoasi aholi salomatligini asrashni umumilliy harakatga aylantirish, sog'lom turmush qoidalarini qaror toptirish, erta va qarindoshlar o'rtasidagi nikohlarning oldini olish, oilalarda tibbiy madaniyat va sanitarik-gigiyenik tamoyillarga amal qilishni keng targ'ib etish yo'lida ko'pgina ilmiy tadqiqotlar o'tkazish hamda amaliyotga tatbiq etishda barcha ma'sul tashkilotlar qatori siz azizlar, ya'ni O'zbekiston sog'liqni saqlash xodimlari kasaba uyushmasi bilan ijtimoiy sheriklikni yo'lga qo'yib, hamkorlikni muvaffaqiyat bilan amalga oshirib kelmoqda.

Mamlakatimizda sog'liqni saqlash xodimlari faoliyati uchun munosib mehnat sharoitlari yaratish, tibbiyot muassasalarini zamonaviy andozalariga mos va xos bo'lgan tibbiy jihozlar va sharoitlar bilan ta'minlash, sohaga professional kadrlarni tayyorlash, ularning malakasini muntazam oshirib borish, aholining tibbiy madaniyatini yangi bosqichga olib chiqish hamda soha xodimlarining ijtimoiy himoyasini kuchaytirish borasida ulkan najjalarni qo'lga kiritmoqda va ushbu natijalarga erishishda Siz azizlarning fidoyi mehnatlari katta ahamiyat ega.

Azizlar! Ushbu qurultoyda qabul qilinadigan qarorlar va strategik dasturlar tibbiyot sohasi xodimlarining turmush darajasini yuksaltirish, yashash sharoitini yaxshilash hamda huquqlarini ijtimoiy himoyalash, globallashtayotgan va taraqqiyotga intilayotgan jahon hamjamiyati oldida yangi marralarga erishishga, azaldan tibbiyot qonunlarini ishlab chiqqan, insonlar dardiga davo bo'lish fanining asoschisi bo'lgan allomalar yurti – O'zbekistonimiz tibbiyotini yanada yuksaltirishga hissa qo'shishiga ishonamiz!

Muhtaram shifokorlar, mas'uliyatli va sharaflı faoliyatingizda kuch-quvvat, mustahkam sog'lik, shijoat va Qurultoy ishiga muvaffaqiyatlar tilaymiz! Sog' va salomat bo'ling!

Hurmat bilan,

**Oila va gender ilmiy-tadqiqot
instituti direktori**



N.Egamberdiyeva

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
MAHPIRAT NOMIDAGI O RTA OSIYO
XALQLARI TARIXI INSTITUTI

“TURON
FANLAR AKADEMIYASI”

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ИНСТИТУТ ИСТОРИИ НАРОДОВ
СРЕДНЕЙ АЗИИ ИМЕНИ МАХПИРАТ

АКАДЕМИЯ НАУК
ТУРОН”

Манзил: Озодлик 14- уй. Телефон офис: 69- 227-23-77.

Мобиль: (+998)90-261-07-21; (+998)93-678-07-21.

№ -- 2025/ 17-06-01-сонли

" "

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари
қасаба уюшмаси Республика Қенгашига

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмасининг

Х Ёзурултой ишига табрик!

Ассалому алейкум хурматли Қурултой делегатлари, тармок қасаба уюшмасининг Республика Қенгаши аъзолари, фаоллар хдмда азиз меҳмонлар!

Барчамиз, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси тармоғи фаолиятида сунги беш йил давомида улкан ижобий узгаРишлаР ва унинг натижаларига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентга, Мухтарам Шавкат Миромонович Мирзиёев бошчилигида Ватанимиз тараккиёти йулида амалга оширилаётган сиёсий ислохотларга хдмнафас холда Соғлиқни сақлаш ходимларининг ижтимоий-иктисодий, ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, ифода этиш, меҳнат муносабатлари доирасида жамоатчилик назоратини урнатиш ва соҳа ходимларига малакали қасаба уюшма хизматини курсатиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоада.

Бош Комусимизда қасаба уюшмаларининг фаолияти хуқуқий жихатдан аниқ курсатиб утилди. Қасаба уюшмаларига меҳнатқашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва химоя қилиш масъулияти юклатилди. Бу эса уз навбатида қасаба уюшмаларига иш берувчилар билан ижтимоий шерикчиликда фаолият юритиш ва ходимлар манфаатида бошқа давлат органлари билан тенг ҳуқуқли хамкорликни амалга ошириш имконини берди.

Айниқса, хисобот даврида масъул ташкилотчилик институтининг ислох қилиниши натижасида, худудларда уз аппаратига эга булган урта бугин - вилоят Қенгашлари ташкил этилди. Натижада, бу тизимдаги қасаба уюшма аъзоларига янада

сифатли хизмат курсатиш ва ходимлар манфаатида иш берувчилар билан елкама-елка ишлаш имкони яратилди.

Тармовдаги ижобий ислохотлардан яна бири, Республика-Кенгашида Мехнат инспекциясининг ташкил этилганлигидир. Жумладан, хар бир худудда Республика Кенгашининг малакалали хукук ва техник инспекторлари самарали мехнат килиб, соха ходимларнинг мехнат муносабатларида химоя функциясини бажараётганлиги касаба уюшмаларининг мавкейини янада юксалтирди.

Айникса, мехнат инспекторларига конуний ваколатлар берилиши, мутахассисларни саралаб олиниши катта натижалар самарасининг замиридир. Бугун телевидения, матбуот ва ижтимоий тармоқлар оркали согликни саклаш ходимлари манфаатида амалга оширилаётган ижобий ишларни кузатиб бормоқдамиз. Бир суз билан айтганда, энди захматкаш тиббиёт ходимлари уз конуний химоячиларига эга булди десам муболага булмайди!

Ифода функцияси борасида тармоқ рахбари хамда унинг ижтимоий шериклари билан тузилган тармоқ келишувлари, худудий келишувлар хамда жамоа шартномалари оркали хар бир касаба уюшма аъзосининг иш уринларидаги нафлилик даражаси йилдан йилга ортиб бораётганлиги албатта кувонарли.

Тармоқнинг халқаро алоқалар борасида олиб борётган амалий ишлари касаба уюшмалари тарихида учмас из колдирмовда. Бу борада олиб бораётган хамкорлик муносабатлари дунёнинг етикчи давлатлари билан тенгма-тенг муносабатларга киришиш, халқаро ташкилотларнинг минбарларида уз сузини айта билиши калбимизда фахр ва ифтихор уйготади.

Айникса, Марказий Осиё Давлатларининг Соглики саклаш ходимлари касаба уюшмалари бирлашма(конфедерация)си ташкил этилганлиги, ушбу халқаро ташкилотга Хананияев Фарходжон Рахмоновичнинг рахбарлик килаётганлиги хамкор давлатларнинг бизга булган ишончидан деб биламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Узбекистан Согликни саклаш ходимлари касаба уюшмасининг Х Б^урултой ишига омад тилаган холда, делегатлар ва иштирокчиларни шундай нуфузли тармоқнинг олий органи булган Курултой делегати хамда иштирокчиси этиб сайланганликлари билан самимий муборакбод этамиз!

Хананияев Фарходжон Рахмонович рахбарлигидаги Тармоқ; фаолиятининг келгуси ишларига “Турон” Фанлар Академиясининг бир гурух академик ва профессорлари номидан муваффакиятлар тилаб коламиз'

Азамова Сохибахон Усупжоновна, /

**Урта Осиё халқлари тарихи институти “Турон Фанлар Академияси”
Вице - президента, Академик, МДХ, микёсидаги Координатор, “Ахсикент тарихи ва археологиясини ур,аниш илмий - тадқиқот институти директори.**

**O'ZBEKISTON
HAMSHIRALAR
ASSOTSIYATSIYASI**

100017, Toshkent, Hurshid ko'chasi, 59-14
Tel.: (71) 235-17-87, (93) 539-79-79
Fax: 235-17-87



**NURSES
ASSOCIATION
OF UZBEKISTAN**

100017, Toshkent, Hurshid street, 59-14
Tel.: (71) 235-17-87, (93) 539-79-79
Fax: 235-17-87

01/12 son _____ ga
«05» 08 _____ 2025y.

**Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг
X Курултойи иштирокчилари
ТАБРИКНОМА**

Мухтарам Курултой делегатлари!
Қадрли меҳнаткашлар, ўз касбининг фидойилари!

Ўзбекистон ҳамширалар ассоциацияси ва шахсан ўз номидан сизларни мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа - Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг X Курултойи билан самимий муборакбод этаман!

Инсон кадри улуғланган жамиятда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш ва қонуний кафолатларини мустаҳкамлаш энг устувор вазифалардан саналади. Бу борада касаба уюшмалари институти фуқаролик жамиятининг энг муҳим ва таянч бўғини сифатида бекиёс ўрин тутди.

Ҳамширалар ассоциация сизларнинг тимсолингизда меҳнаткаш инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш, давлат ва ходим ўртасида мустаҳкам ижтимоий шерикликни йўлга қўйишда ўзининг ишончли ва стратегик ҳамкорини кўради.

Сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз билан соғлиқни сақлаш ходимлари учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, уларнинг малакасини ошириш, тиббий, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги эзгу ташаббусларни юқори баҳолаймиз.

Бугунги анжуманда қабул қилинадиган қарорлар, белгилаб олиннадиган янги марралар келгусида соҳа ходимларининг турмуш фаровонлигини янада яхшилашга, Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишга ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда куч-гайрат, Курултой ишига муваффақиятлар тилайман!.

Эҳтиром билан

Ўзбекистон Ҳамширалар
ассоциацияси раиси



Г.М.Усманова



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT SHAHAR HOKIMLIGI SOG‘LIQNI SAQLASH
BOSH BOSHQARMASI

MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN,
MAIN HEALTHCARE DEPARTMENT OF TASHKENT CITY

100047, Toshkent sh., Yashnobod tumani, Maxtumquli ko‘chasi-2; Tel: (+998-71) 233-95-00, Fax: (+998-71) 289-40-90
E-mail:toshkentshahar@ssv.uz, toshkent_sh_ssb@exat.uz

2025 yil “ 1 ” 08 _____

№ 01-726

**O‘zbekiston Sog‘liqni saqlash xodimlari kasaba uyushmasi
X - Qurultoyi ishtirokchilariga tabriknoma**

Xurmatli Farxodjon Raxmanovich !

Toshkent shahar hokimligi Sog‘liqni saqlash bosh boshqarmasi O‘zbekiston Sog‘liqni saqlash xodimlari kasaba uyushmasi X - Qurultoyi ishtirokchilariga hamda barcha kasaba uyushmalari a‘zolariga yuksak hurmat-ehтиrom va samimiy tilaklarimni bildiraman.

Biz Yangi O‘zbekistonda inson qadri va manfaatlarini ta‘minlashni o‘z oldimizga ezgu maqsad qilib qo‘ygan ekanmiz, bu yo‘lda xalqimiz salomatligini mustahkamlash eng muhim vazifalarimizdan biri bo‘lishi tabiiydir.

Ayni shu maqsadda keyingi yillarda O‘zbekiston sog‘liqni saqlash tizimi tubdan isloh qilinmoqda. Sohaning moddiy-texnik bazasi, kadrlar salohiyati mustahkamlanmoqda. Tizimga ilg‘or davolash va diagnostika usullari, innovatsion texnologiyalar keng tatbiq etilmoqda.

Aytish kerakki, mamlakatimizdagi tub ijobiy o‘zgarishlar jarayonida eng yirik jamoat tashkiloti bo‘lgan kasaba uyushmalari ham faol ishtirok etmoqda.

Shuni qayd etish lozimki, hozirgi kunda kasaba uyushmalarining mamlakatimiz ijtimoiy-siyosiy hayotidagi o‘rni va ta‘siri tabora ortib bormoqda. Buning sababi, eng avvalo, tashkilotning xalq ichiga chuqur kirib borayotgani, Kasaba uyushma a‘zolarining mehnatga oid huquq va manfaatlarini ta‘minlash, mehnat jamoalarida xodimlarni ijtimoiy-iqtisodiy qo‘llab-quvvatlash o‘zining ustuvor vazifasi sifatida belgilab olganida, deb bilaman.

Ishonamizki, Siz o‘z bilimingiz, tajribangiz va tashabbuskorligingiz bilan kasaba uyushmalari a‘zolarining ishonchini qozonib, ularning manfaatlarini munosib himoya qila olasiz. Bu jarayonda Sizga tinimsiz mehnat, mustahkam iroda, teran fikr va albatta, yuksak ishonch hamroh bo‘lsin.

O‘zbekiston Sog‘liqni saqlash xodimlari kasaba uyushmasi Qurultoyi ishiga ulkan zafarlar tilaymiz.

Xurmat bilan,

**Toshkent shahar hokimligi
Sog‘liqni saqlash bosh
boshqarmasi boshlig‘i v.b**

B.Isabekov



4 avgust 2025 yil.

4559-son

**O'zbekiston Sog'liqni saqlash xodimlari kasaba uyushmasi
X Qurultoyi ishtirokchilariga
TABRIKNOMA**

Hurmatli Qurultoy ishtirokchilari!

Toshkent davlat tibbiyot universitetining jamoasi nomidan Sizlarni O'zbekiston Sog'liqni saqlash xodimlari kasaba uyushmasining yubiley X Qurultoyi bilan samimiy muborakbod etaman.

Bugungi kunda mamlakatimizda adolatli huquqiy demokratik davlat va kuchli fuqarolik jamiyatini barpo etish masalasiga alohida e'tibor qaratilmoqda. Yurtimizda mehnatkash insonlar manfaatlarini himoya qilish, ular uchun munosib mehnat va turmush sharoitlarini yaratish, adolat va qonuniylikni ta'minlashda Kasaba uyushmalari muhim o'rin tutmoqda. Kasaba uyushmalari iqtisodiyotning barcha sohalari, shu jumladan sog'liqni saqlash sohasi xodimlarining huquqiy, ijtimoiy va ma'naviy tayanchi, jamoa birdamligini ta'minlovchi yangi kuchga aylanmoqda.

Yangi O'zbekiston taraqqiyotida sog'liqni saqlash sohasi davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri hisoblanadi. Sizlar esa usbu sohada faoliyat yuritayotgan tibbiyot xodimlarining mehnat huquqlarini himoya qilish, ularning ijtimoiy-iqtisodiy manfaatlarini ta'minlash va kasbiy rivojlanishiga ko'maklashish kabi ulkan vazifalarni muvaffaqiyatli amalga oshirib kelmoqdasiz. Sizlarning sa'y-harakatlaringiz natijasida minglab ishchi-xodimlar o'z haq-huquqlarini bilib, ishonch va qonuniy himoya ostida mehnat qilmoqda. Bu yo'lda ko'rsatayotgan fidokorona mehnatingiz va sadoqatingiz nafaqat sog'liqni saqlash tizimining barqaror rivojlanishiga, balki jamiyatimiz farovonligiga ham katta hissa qo'shmoqda.

Sizlarning tashabbuslaringiz va qo'llab-quvvatlashingiz tufayli tibbiyot xodimlari o'z kasbiy faoliyatlarida yanada yuksak natijalarga erishmoqda. Shu o'rinda, Toshkent davlat tibbiyot universiteti o'z faoliyatida doimo kasaba uyushmalari bilan yaqin hamkorlikda ishlashga tayyor ekanligini ishontirib aytaman.

Hurmatli Qurultoy ishtirokchilari!

Ushbu Qurultoy tibbiyot xodimlarining mehnat sharoitlarini yaxshilash, ularning kasbiy salohiyatini oshirish va sohada innovatsion yondashuvlarni joriy etish bo'yicha muhim qarorlar qabul qilinadigan platforma bo'lishiga ishonaman. Qurultoy natijalari mamlakatimiz sog'liqni saqlash tizimi rivojlanishiga, tibbiyot xodimlarining mehnat sharoitlarini yanada yaxshilashga, xalqimiz salomatligini mustahkamlashga va sohada yangi marralarni zabt etishga xizmat qilsin.

Barchangizga sihat-salomatlik, baxt, omad va ulkan zafarlar, Qurultoy ishiga esa muvaffaqiyatlar tilayman!

Hurmat bilan,

Rektor



Sh.A. Boymuradov



O'zbekiston Respublikasi, 100029, Toshkent shahri, Taras Shevchenko ko'chasi, 1-uy. KTUT-30105340, STIR-207327602, b/r 20212000205288033001, MFO-01101, AITB «Ipak Yu'li» bank, http://madaniyat_kasaba.uz, E-mail: mst_kengash@mail.ru, mst_kengash@exat.uz

**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба уюшмаси
Қурултойи делегатларига**

Хурматли Қурултой делегатлари!

Сизни тармоқ касаба уюшмасининг Қурултойига делегат бўлиб сайланганингиз билан кўп сонли маданият, спорт ва туризм соҳаси ходимлари номидан самимий муборакбод этамиз!

Бу Сизнинг фидокорона меҳнатингиз, масъулият билан бажарган иш фаолиятингиз, касаба уюшма аъзолари орасидаги нуфузингиз ва раҳбарлик қобилиятингизнинг яққол ифодасидир. Сизга берилган ишонч–катта шараф!

Ишонамизки, тармоқ касаба уюшмасининг навбатдаги Қурултойида ҳам касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ходимларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишда ташаббускор ва илғор фаолият юритасизлар.

Албатта, тармоқ касаба уюшмаси томонидан ҳисобот даврида эришилган ютуқлар, амалга оширилган улкан ишларда Республика Кенгаши раҳбарияти ва унинг аҳил жамоасининг самарали ва фидокорона меҳнатини эътироф этмасликнинг иложи йўқ.

Қурултой ишига яна бир бор омад тилаган ҳолда, тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишларга Сиз азиз делегатлар томонидан ижобий баҳо берилишига ҳамда ташкилотнинг сайланма органлари учун бўлиб ўтадиган сайловларда муносиб номзодларга овоз беришингизга ишонч билдирамыз!

Хурмат билан,

Ўзбекистон маданият, спорт ва
туризм ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгаши раиси

А. Мусаев.



Хурматли Фарходжон Раҳманович!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош Кенгашининг қарорига мувофиқ жорий йилнинг Август ойида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига аъзо ташкилотларнинг Қурултойлари ўтказилиши режалаштирилган.

Қурултой муҳим вояелик бўлиб, Сиз раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашида ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилган ишлар баҳо берилади.

Жорий йилнинг 12 август куни ўтказиладиган ҳисобот-сайлов қурултойи муносабати билан Сизни ва Қурултой делегатларини Фарғоналик касаба уюшмалари ходимлари ҳамда фаоллари номидан самимий табриқлаймиз. Қурултойни юқори савияда ташкил қилишда омад ва муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Хурмат билан,

Э.Нуралиев,

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг
Фарғона вилоят Кенгаши раиси*



**ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ**